

Техника ва Механизм воситаларини фойдаланишга киритиш ҳақида.

Навоий вилояти Навбахор тумани

18. 03. 2022 йил

Навбахор тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Устав асосида иш юритувчи директор Д.Пирназаров иштирокида бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади ва иккинчи томондан «Konfayz Lochin» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи Ш.Н.Рамазанов «Бажарувчи» деб юритилади. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисида»ги 2018 йил 9-апрелдаги ЎРҚ-472 сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги № ПҚ-3953- сонли «Давлат харидлари тўғрисидаги қарори, ЎзРТХБнинг etender.uzex.uz ахборот порталига жойлаштирилган Лот № 45875 сонли эълони ва Навбахор ТЙФУК танлов комиссиясининг электрон овоз бериш йўли билан ўтказилган танловга асосан ушбу шартномани туздилар.

1. Умумий қоидалар.

1.1. Бажарувчи ўз ҳисобидаги техника воситаларини ишлашини кафолатлагандан кейин ундан фойдаланиш даврида фойдаланишга киритиш, (бундан-буён ишлар бажариш деб юритилади) амалга ошириш мажбуриятини олади. Буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва лозим бўлган ҳақни тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Рад этиш ёки бузилишдан келиб чиққан, техника носозликларини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар, Буюртмачининг талабномаси (хати, телеграммаси, телефонограммалари) асосида бажарувчи томонидан амалга оширилади.

1.3. Буюртмачи техниканинг ишчи ҳолати бўйича китоб юритади ва уни бажарувчига бажарилган ишлар тўғрисида ёзувларни киритиш учун тақдим қилади. Китобдаги ёзувлар ишларнинг сифатсиз бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги тўғрисида далолатнома тузаётганда ҳисобга олинади.

1.4. Томонлар шартнома тузаётганда ишларни бажаришнинг махсус томонлари ва томонларнинг ўзаро муносабатларининг хусусиятларини акс эттирувчи қўшимча шартларни келишишлари мумкин.

1.5. Шартномани тузиш учун асос бўлиб Бажарувчининг ўз ҳисобидаги авторанспортларни Буюртмачига ишлаб чиқариш зарурияти мавжуд бўлган ҳолатларда бериши бўлиб ҳисобланади.

2. Бажарувчининг мажбурияти ва ҳуқуқлари.

2.1. Бажарувчи белгиланган ишларни муддатида бажаришга, шунингдек, Буюртмачининг талабномаси бўйича техникаларни соз ҳолда тақдим этади.

2.2. Бажарувчи томонидадан техника воситаси хизматини амалга оширишда ҳар қандай ЙТХ содир бўлганда барча моддий ва маънавий зарарларни ўз ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади. Бажарувчи ҳайдовчиларни техника хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш мажбуриятини олади.

2.3. Ҳайдовчини ойлик иш ҳақини бериб бориш, техникаларга ёқилғи мойлаш материаллари билан иш давомида узлуксиз таъминлашни ўз зиммасига олади.

2.4. Бажарувчи ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 8-санасидан кечиктирмаган ҳолда ҳисоб-варақ фактураларни топшириш мажбуриятини олади. Кечиктирилган ҳисоб-варақ фактуралар кейинги ойга қолдирилади.

2.5. Бундан ташқари Бажарувчи шартноманинг 1.4. бандига мувофиқ ишларни муддатида бажариш мақсадида техникани ишлаш жойида таъмирлаш ишларини бажаради.

2.6. Буюртмачи томонидан тегишли жойида техникани, ишлаб чиқариш жойида ишларни бажаришнинг бошида ёки жараёнида Бажарувчи техникадан фойдаланиш ҳужжатлари, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг талаблари таъминланмаган ҳолларда, Бажарувчи Буюртмачи билан келишиб ишларни бажариш муддатини бошқа вақтга ўтказишга ва Бажарувчидан шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада

базармаганлиги сабабли Буюртмачи ундан жарима, пеня ҳамда етказилган зарарни ундиришга ҳақли.

3. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур.

а) Тегишли техникани ишлаш жойини белгилашни амалга ошириш бошланганда Бажарувчини фойдаланиш ҳужжатлари техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги талабларини таъминлаш.

б) Бажарувчининг талабномаси бўйича унинг мутахассислари учун ишларни бажариш вақтига иш жойларини бериш.

3.2. Бажарувчи томонидан ишлар бажарилмаган ёки сифатсиз ишлар бўлган тақдирда бу тўғрисида Буюртмачи унга зарурий чораларни кўриш учун камчилик аниқлангандан кейин - 2(икки) кунлик муддатда хабар беради ва Бажарувчи 2 кун ичида камчиликларни тўлик бартараф этиши шарт.

3.3. Буюртмачи лозим бўлганда Бажарувчи техникаларини иш билан таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда, олдиндан 3 кунлик муддат ичида ёзма хабар беришни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи юк ташиш ҳужжат (ТТН)ларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача Бажарувчига топшириш мажбуриятини олади.

4. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби.

4.1. Техникани ишлаб чиқариш зарурати туфайли фойдаланишга киритиш ҳамда Бажарувчи томонидан бажарилган ишларга буюртмачи томонидан ўзаро ҳисоб-китобларга асосан пул кўчириш йўли билан ҳақ тўлайди.

4.2. Ишларни бажарганлик ҳақ тўлаш талаб этилган ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг амалга оширилади.

4.3. Техникаларга Бажарувчи томонидан ўз вақтида ёкилғи маҳсулоти етказиб берилмаганда Буюртмачи томонидан ажратилган ёкилғи маҳсулоти таъминоти ва томонлар томонидан сарфланган ходимларни овқатлантириш харажатлари бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритилиб, ўзаро келишув ёки шартномада кўрсатилган суммадан белгиланган тартибда сақланиб қолинади.

4.4. Автотранспортнинг юк ташишида ташилган ҳар 1 тн/км ва машина-механизмлар учун бажарилган ишлар далоатномасига (Счёт фактурага) асосан ҳақ тўланади.

4.5. Шартноманинг умумий суммаси **298 000 000 (икки юз тўқсон саккиз миллион)** сўмдан иборат.

4.6. Шартнома имзолангандан сўнг «Буюртмачи» «Бажарувчининг» ҳисоб рақамига олдиндан 15 % пул ўтказиши керак.

5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганда амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарлик ўтайдилар.

5.2. Буюртмачи ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 15% дан ошмаслиги лозим.

5.3. Бажарувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлиги учун буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 15% дан ошмаслиги керак.

а) Буюртмачи томонидан топилган нуқсон ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун Бажарувчи буюртмачига лозим даражада бажарилмаган ишлар. Хизматлар қийматининг 15% миқдориде жарима тўлайди, ҳамда жарима Бажарувчидан акцептсиз ундириб олинади.

б) Шартнома бўйича томонларнинг ишларни лозим даражада бажармаганлиги ёки тўловни ўз вақтида амалга оширмаслиги оқибатида пеня ҳамда жарималарни тўлаши уларни шартнома мажбуриятидан озод қилмайди.

в) Шартнома буйича Томонлар ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда даъвобгар жойлашган жой Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади

6. Шартномани узайтириш ёки бекор қилиш шартлари.

6.1. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳолларида, шартнома мажбуриятлари тугаган вақтда амалга оширилган амалдаги сарфлар буйича ўзаро ҳисоб-китоб амалга оширилади.

6.2. Шартнома бир томонлама тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

- а) Бажарувчи бажарилган ишлар баҳосини оширган ҳолда, фақат буюртмачи томонидан;
- б) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан.

7. Яқуний қоидалар.

7.1. Ушбу шартномага барча кўшимча, ўзгартишлар, фақат агар улар ёзма шаклга эга бўлса ва ҳар икки томондан имзоланган бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга кириб 2022 йил 31 декабргача кучга эга.

7.3. Агар томонларнинг юридик манзил ёки хизмат кўрсатувчи банки ўзгарса бу тўғрисида 3 кунлик муддатда бир-бирларига ёзма равишда хабар беришга мажбур.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ.

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

«Konfayz Lochin» МЧЖ

Навоий вилояти Конимех тумани

Мамиқчи кўрғони

Ҳ/р: 20208000304607462001

ИНН: 300380160 МФО: 01064

Намкопр банк Навоий шаҳар филиали

Навбахор ТЙФУК

Навбахор тумани, Бешработ кур.

Х/Р: 20210000700428392001

ИНН: 200021221 МФО: 01064

Хамкорбанк Навоий шах. филиали

ОКОНХ: 61129



Директор: Ш.Н.Рамазанов



Директор: Д.Пирназаров

Хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар Кодексининг 29-боб (437-456 моддалари), Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга (шартлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги буйича) риоя қилган ҳолда расмийлаштирилган.

Навбахор ТЙФУК ҲУҚУҚШУНОС:

(имзо)


М.Ш.Хамроев

(ташкилот ҳуқуқшуносининг Ф.И.О)

Navbaxor tuman yo'llardan foydalanish

unitar korxonasi direktori

Pirnazarovga



ROZILIK XATI

«Konfayz Lochin» МЧЖ etender .uzex.uz elektron portalida joylashtirilgan

LOT: 45875 raqamli tanlovda ishtirok etib, sizning narxlarda ishlashga rozilik bildiramiz.



Ш.Н.Рамазанов